

Қонун ҳужжатларини жойларга етказиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг иш ТАРТИБИ

№	Тадбир номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Изоҳ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда партия позициясини шакллантириш бўйича амалий фаолият				
1.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига келиб тушган ва фракцияга тақдим этилган қонун лойиҳасини партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Мафкуравий, маънавий-маърифий масалалар бўлимига етказиш.	1 кун муддатда	Д.Эркинжонов	
2.	ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонига келиб тушган қонун лойиҳасини Девоннинг барча бўлимларига ҳамда ҳудудий партия ташкилотларига етказиш	1 кун муддатда	И.Расулов	
3.	ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлимлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари томонидан қонун лойиҳаси бўйича партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, концептуал фикр-мулоҳазаларни, таклифларни тақдим этиш.	3 кун муддатда	И.Расулов, Д.Тошбоев, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари	
4.	Мазкур қонун лойиҳаси бўйича ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлимлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари томонидан тақдим этилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштирган ҳолда партиянинг позициясини шакллантириш ҳамда фракцияга тақдим этиш.	1 кун муддатда	И.Расулов, Д.Тошбоев	
5.	Қонун лойиҳасини фракция мажлисида муҳокама этиш ҳамда партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони томонидан тақдим этилган позицияни инобатга олган ҳолда фракциянинг концептуал муносабатини шакллантириш.	Фракция мажлиси куни	Д.Эркинжонов ва масъул фракция аъзоси	
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан партиянинг таклифларини шакллантириш бўйича амалий фаолият				
6.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг уни Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси девони Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари	Биринчи ўқишда қабул қилингандан сўнг 1 кун муддатда	Д.Эркинжонов	

	билан ишлаш бўлимига етказиш.			
7.	Биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳасини партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони томонидан ҳудудий партия ташкилотларига етказиш.	МКга келиб тушгандан сўнг 1 кун муддатда	Д.Рашидова	
8.	Биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳасини ҳудудий партия ташкилотлари томонидан маҳаллий партия ташкилотларига етказиш.	Ҳудудий партия ташкилотига келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида	Ҳудудий партия ташкилотларининг девон раҳбарлари	
9.	Партия тизимида қонун лойиҳасининг муҳокамасини ташкил этиш, уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиб, (ҳудудий партия ташкилоти раиси имзоси билан) Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси девони Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлимига етказиш.	Ҳудудий партия ташкилотига келиб тушгандан сўнг 3-4 кун муддат ичида	Ҳудудий партия ташкилотларининг раислари ва кураторлари (<i>Х.Ражапов, Б.Маматхонов, И.Расулов, Д.Рашидова, Д.Тошбоев, Х. Зокирова, Х.Ниёзов</i>)	
10.	Қонун лойиҳаси бўйича келиб тушган таклиф ва тавсияларни умумлаштириш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясига тақдим этиш.	Таклифлар келиб тушгандан сўнг 3 кун муддат ичида	Д.Рашидова Д.Эркинжонов	
11.	Қонун лойиҳаси бўйича фракция аъзолари ҳамда партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонидан келиб тушган таклиф ва тавсияларни умумлаштириш ҳамда масъул қўмига (фракция раҳбарининг имзоси билан) тақдим этиш.	Таклифлар келиб тушгандан сўнг 2 кун муддат ичида	Д.Эркинжонов	
Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, депутатлар ва партия ташкилотларининг иш услубини такомиллаштириш ва қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини аҳолига етказиш бўйича амалий фаолият				
12.	Ўзбекистон Республикаси қонуни (ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжати) матбуотда эълон қилингандан сўнг ҳудудий партия ташкилотлари томонидан унинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича чора-тадбирлар режа-графикини ишлаб чиқиш (унда семинар-тренинг, давра-суҳбатлари ташкил этиш, ОАВларида мақолалар бериш кабилар кўзда тутилади).	3 кун муддат ичида	Ҳудудий партия ташкилотининг раиси, девон раҳбари	
13.	Ўзбекистон Республикаси қонуни (ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжати) матбуотда эълон қилингандан сўнг унинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида	3 кун муддатда	И.Расулов	

	семинар дастури, слайд такдимоти ва тарқатма материаллар тайёрлаш ва ҳудудий партия ташкилотларига етказиш.			
14.	Ҳудудий партия ташкилотида тузилган Ишчи гуруҳи томонидан ҳудудий партия ташкилоти ходимлари, маҳаллий партия ташкилотлари раислари, етакчи мутахассислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари учун семинар ташкил этиш.	5 кун муддатда	Ҳудудий партия ташкилотининг раиси, девон раҳбари, Мафкуравий, маънавий-маърифий масалалар, Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВлари билан ишлаш, Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш йўналиши ходимлари	
15.	Ўтказилган семинарларни ҳудудий электрон ва босма ОАВлари орқали кенг ёритиш.	Семинарлар ташкил этилган кундан бошлаб 5 кун ичида	Ҳудудий партия ташкилотининг раиси, девон раҳбари, Мафкуравий, маънавий-маърифий масалалар, Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВлари билан ишлаш йўналиши мутахассислари, партия гуруҳи аъзолари	Қонун ҳужжатининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган мақолалар, муносабат чоп этириш
16.	Ҳудудий партия ташкилотида тузилган Ишчи гуруҳи аъзоларини туман, шаҳар партия ташкилотларига бириктириш ва қонунларнинг (ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатининг) мазмун моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида БПТлар, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партия электорати вакиллари учун семинарлар ташкил этиш.	Ҳудудий семинарлар ташкил этилгандан сўнг 5 кун ичида	Ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари раислари, Ишчи гуруҳи аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари	Ҳудудий семинарлар дастурлари асосида, тайёр материаллардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.
17.	Ўтказилган семинарларни электрон ва босма ОАВлари орқали кенг ёритиш (қонун ҳужжатининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган мақолалар, муносабат чоп этиш).	Семинарлар ташкил этилган кундан бошлаб 5 кун ичида	Туман (шаҳар) партия ташкилотининг раиси, партия гуруҳи аъзолари	
18.	Қабул қилинган қонунларнинг (ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатининг) мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш.	Сайловчилар билан учрашувлар даврида	Барча даражадаги депутатлар	
19.	Қабул қилинган қонунларнинг (ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатининг) мазмун-моҳиятини очиб берувчи мақолалар, муносабатлар тайёрлаш ва ОАВда ёритиш.		Барча даражадаги депутатлар	